

COURSE «BANK AUDITING »

LECTURE #3
EXTERNAL AUDIT IN BANKS
Rizaev N.K. - DSc


«БАНК АУДИТИ» ФАНИ

МАЪРУЗА №3
БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТ
РИЗАЕВ Н.К – DSc

РЕЖА:



<https://tourquality.uz/press-center/news/1310/>



01

ITEM 01

Банкларда ташқи аудитни ташкил қилиш

02

ITEM 02

Банкларда ташқи аудитни ўтказиш

03

ITEM 03

Банкларда малака сертификатлари

04

ITEM 04



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

АУДИТОР



аудитор — аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

Аудиторлар реестри — аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган аудиторларнинг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи расмий веб-сайтига жойлаштирилган рўйхати, бундан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан шакллантириладиган реестр мустасно;



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

АУДИТ ТАШКИЛОТИ



<https://tourquality.uz/press-center/news/1310/>

аудиторлик ташкилоти — аудиторлик текширувларини ўтказиш ва турдош хизматлар кўрсатиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилоти;

Аудиторлик ташкилотларининг реестри — аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи расмий веб-сайтига жойлаштирилган рўйхати;



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

АУДИТ ҚҮМИТАСИ



<https://bioprocessintl.com/bioprocess-insider/regulations/bms-hit-by-fda-483-with-6-observations-at-washington-car-t-plant/>



аудиторлик фаолияти — аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти;

аудит қўмитаси — хўжалик юритувчи субъектнинг кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган, қоида тариқасида, камидан бир нафар мустақил аъзони ўз ичига оладиган, молиявий ҳисботни тузишнинг тўғрилиги устидан назорат ўрнатилиши, мустақил аудиторлик ташкилотининг танланиши, аудиторлик текшируви ўтказилиши жараёнларини кузатиш, ташқи аудиторлик текширувлари натижаларини олиш ҳамда ўрганиш учун масъул бўлган қўмита;

БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

АУДИТ ҚҮМИТАСИ



рэнкинг — аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини тавсифловчи муайян кўрсаткичлар бўйича гуруҳларга ажратилган аудиторлик ташкилотларининг тартибга солинган рўйхатларини шакллантириш;

талабгор — малака сертификатини олишга ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришга даъвогар бўлган жисмоний шахс.



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ

Марказий банк ваколатлари:

банкларни ва бошқа кредит ташкилотларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди;

банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун аудиторнинг малака сертификатини бериш тартибини белгилайди ва уни беради;



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ



Марказий банк ваколатлари:

банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш хукуки учун аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган

Аудиторларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ

БАНК АУДИТОРИ ВА АУДИТОР ЁРДАМИЧИСИ:



<https://mbatime4u.com/sales-department/audit-sales-department/>


Аудитор ўзи билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-хуқукий хусусиятга эга шартнома асосида бир вақтнинг ўзида факат битта аудиторлик ташкилоти таркибида ишлаши мумкин.

Аудитор ўзи ишлайдиган факат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин.



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ

БАНК АУДИТИ:



Банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш учун аудитор малака сертификатига эга бўлиши лозим.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳукукини берувчи малака сертификатларини олиш учун банк аудиторларини тайёрловчи махсус ўқув курсларини тамомлаган шахслар малака имтиҳонларига қўйилади.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳукукини берувчи малака сертификатларини олиш ва малака имтиҳонларини топшириш учун аризачи томонидан Марказий банкка ариза топширилади.



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ

БАНК АУДИТИ:



Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳукуқини берувчи сертификат уни бериш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 15 кун муддат ичидаги ташкилот директорига аудиторлик ташкилотлари рўйхатини юритиш бўйича давлат китобига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳукуқини берувчи сертификатни бериш куйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

- банк аудити ўтказиш ҳукуқини берувчи малака сертификатига эга бўлган 2 та мутахассиснинг йўқлиги;



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ

БАНК АУДИТИ:



- аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа материаллар, шунингдек унинг аудиторларига тааллуқли бошқа маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги;
- банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат олиш максадида тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққоний эмаслиги ҳамда лицензиялаш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги.



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банки:

Ўзбекистон Республикаси
банк тизимига кирувчи банклар
аудитини ўтказиш борасидаги
ишларни мувофиқлаштиради;

банк аудитини ўтказиш
хусусида мамлакатимиз ва чет
эл аудиторлик фирмалари
 билан тузиладиган
шартномалар бўйича
буортмачи сифатида чиқишга
ҳақли;



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ


Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банки:




республика ҳудудида иш
юритувчи аудиторлик
фирмалари ва ташкилотларга
банкларда аудиторлик
текширишларини ўтказиш
ҳуқуқи учун тегишли
сертификатлар ҳамда малака
сертификатларини беради.




БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ



банк аудитини амалга оширишга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаблари тўғрисидаги Низомни бир ҳафта муддатда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;



банк аудитини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик фирмаларининг рўйхатини белгиланган тартибда мунтазам суратда матбуотда эълон қилиб туриш;



банк аудитини ўтказиш учун ўз маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаш.

Банкларда аудитор малака сертификатлари

Аудиторнинг малака сертификати (бундан буён матнда сертификат деб юритилади) аудиторнинг малакасини тасдиқлайдиган ва унга аудиторлик ташкилоти таркибида аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳукукини берадиган ҳужжатдир.



Karaliyev T. Fayzullaeva M. Bankovskiy audit.TMI. 2014.



Банкларда аудитор малака сертификатлари

Сертификат башарти талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширса, ваколатли давлат органи томонидан бериладиган, катъий ҳисоботга оид хужжатдир.

Сертификат дастлабки беш йиллик муддатга берилади, унинг амал қилиши навбатдаги ўн йиллик муддатга ва кейинчалик муддатсиз даврга узайтирилади.



Karaliyev T. Fayzullaeva M. Bankovskiy audit.TMI. 2014.

Банкларда аудитор малака сертификатлари



Сертификат олиш учун талабгор олий маълумотга ҳамда олий таълим ташкилотини тамомлаганидан кейин охирги ўн йилдан камида уч йил бухгалтерия хисоби ва аудит соҳасида ёки олий таълим ташкилотида «Бухгалтерия хисоби» ёхуд «Аудит» фанидан дарс бериш соҳасида иш стажига (шу жумладан ўриндошлиқ асосида) эга бўлиши керак.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун.

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 10 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 5 февралда маъқулланган(2021 йил 25 февраль, ЎРҚ-677-сон)



Аудитор малака сертификати

«Бухгалтерия ҳисоби» ва «аудит» ихтисосликлари бўйича магистр дипломига эга бўлган талабгор учун аудиторлик ташкилотида камида бир йиллик иш стажи (шу жумладан ўриндошлиқ асосида) талаб қилинади.

Талабгорнинг иқтисодий ихтисосликлар бўйича илмий даражаси мавжуд бўлган такдирда, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги иш стажи талаб этилмайди.



Банкларда аудиторлик тешириуви....

Банклар молиявий ҳисботининг ва у билан боғлиқ молиявий ахборотининг аудиторлик текшируви текшириладиган молиявий ҳисботнинг ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг ишончлилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилади.

Банкларда аудиторлик текшируви

Ишончлилик деганда
молиявий ҳисобот
маълумотларининг аниқлик
даражаси тушунилиб, у ушбу
ҳисобот асосида хўжалик
юритувчи субъектнинг
молиявий аҳволи ва молиявий-
хўжалик фаолияти натижалари
тўғрисида холис хуносалар
чиқариш имконини беради.

Аудиторлик текшируви
Қонуннинг **34-моддасида** назарда
тутилган чекловларга риоя этиш
шарти билан мажбурий тарзда ва
ташаббус шаклида ўтказилади.

Банкларда аудит

Мажбурий аудит текшируви



Куйидаги ташкилотлар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим:

акциядорлик жамиятлари;

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

суғурта ташкилотлари;

инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамловчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари;

Банкларда аудит

Мажбурий аудит текшируви



манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмаларидан иборат бўлган хайрия, жамоат фондлари ва бошқа фондлар;

устав фондида (устав капиталида) давлатга тегишли улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари;

фонд ва товар биржалари;

Банк аудити



Хисобот йили якунлариға кўра қўйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари: активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг юз минг баравари микдоридан ортиқ, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми базавий ҳисоблаш микдорининг икки юз минг баравари микдоридан ортиқ, ходимларининг ўртacha йиллик сони юз нафардан ортиқ бўлса



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ibragimov A.K., Auditning xalqaro standartlari asosida tijorat banklarida ichki auditning tashkiliy asoslari. O'quv qo'llanma. – T.: Moliya. 2013. – 384 b.
2. Karaliyev T. Fayzullaeva M. Bankovskiy audit.TMI. 2014.
3. Yadgarova M., Qurbonov R. Bank auditi. Darslik. –T.: «IQTISOD-MOLIYA» 2019 y.
4. Tuychiyev A., Qo'ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I., Avazov I. Audit. Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 530 b.
5. Wally Smeliauskas, Kate Bewley. Auditing: An International Approach Hardcover. McGraw-Hill Ryerson; 6 edition. 800 pages. 2014.
6. David O'Regan. International Auditing: Practical Resource Guide 1st Edition, Wiley; 1 edition, 312 pages. 2015.
7. Fayziyev Sh.N., Dusmuratov R.D., Karimov A.A., Qo'ziyev I.N., Avlokulov A.Z. Audit. Darslik. –T. OQTISOD-MOLIYA, 2015. -392 b.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ !

